


ХИТОЙШУНОС А. ХЎЖАЕВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРИТИЛИШИ

 10.24412/2181-1784-2021-1-483-487

Абиров В.Э.

Тошкент давлат шарқшунослик университети таянч докторанти

Электрон почта: valisher_abirov@list.ru

Аннотация: Ўзбек халқининг келиб чиқиши муаммоси ҳалигача ҳал этилмаган. Бу масалани ўрганишда қадимги Хитой манбаларининг ўрни катта. Мақолада қадимги Хитой манбалари тадқиқотчиси А.Хўжаевнинг тадқиқотлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: этнос, этногенез, этник тарих, қадимги ёзма манба, манбашунослик, туркий қабилалар, ўзбек халқи, Ўрта Осиё.

Annotation: The problem of the origin of the Uzbek people has not yet been resolved. The role of ancient Chinese sources in the study of this issue is important. The article analyzes the research of A. Khodjaev, a researcher of ancient Chinese sources.

Keywords: ethnos, ethnogenesis, ethnic history, ancient written source, source studies, Turkic tribes, Uzbek people, Central Asia.

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи муаммосини тадқиқ этишда этнографик, археологик, антропологик, тилшунослик тадқиқотлар билан бир қаторда турли даврларда ва турли тилларда ёзилган манбаларни ўрганиш, улар устида чуқур тадқиқотлар олиб бориш ҳам талаб этилади. Ҳозирги вақтда ватан тарихида долзарб ва мураккаб саналган ушбу муаммони ечишда манбашунослик соҳасида олиб борилган тадқиқотлар, уларнинг таҳлили ва натижалари муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик дастлабки йилларидан халқнинг ўз келиб чиқиш тарихи, давлатчилик тарихини билишга бўлган интилиш кучайди. Манбашунос олимлар олдида ҳам ўзбек халқининг этногенез ва этник тарихини тадқиқ этишда муҳим вазифалар пайдо бўлди. XX аср 90-йилларигача марксизм мафқураси кўрсатмалари асосида туркий халқлар тарихини бир томонлама талқин қилиш, тарихий ҳақиқатни ўз сиёсий манфаатларига бўйсундириш, бошқа халқларнинг родини юксалтириш каби

тенденциялар ўзбек халқи тарихини холис ўрганишга йўл қўймади. Замонавий ватан тарихида эса, туркийзабон халқлар ҳақидаги маълумотларни манбалар орқали тубдан ўрганиш бошланди. Соҳа олимлари тадқиқотлари натижасида тарихда номаълум бўлган тушунчаларга манбалар орқали аниқлик киритилди. Бу борада хитойшунос олим Аблат Хўжаевнинг илмий тадқиқотларини эътироф этиш зарур.

Ўзбек халқининг VIII асргача бўлган аجدодларига оид маълумотлар келтирилган қадимги хитой манбаларини ўрганиш 2000-йиллардан сўнг жонланди. А. Хўжаев ва К. Хўжаевлар томонидан 2001 йил нашр этилган “Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши”[1] рисоласида кам ўрганилган хитой манбалари ва тарихий адабиётлари асосида милодий II асрдан кейинги даврдаги туркий халқларнинг таркибига кирган қабилалар ва уларнинг номлари, яшаган жойлари, шунингдек, қайси хитой манбаларида қачондан бошлаб туркий халқлар номлари тилга олинди, “теле” этноними билан аталган халқ айнан туркий халқ эканлиги ҳақидаги маълумотларни қайд этади. Милoddан олдинги минг йилликда Хитой атрофида яшаган туркий халқларнинг умумий номи хўр, ди, дили, динглинг, хун бўлса, милодий II-VI асрлар давомида теле (чилэ, тэлэ), VI асрдан бошлаб турк (тукиват, тукю, тужюэ) деб аталган. V-VI асрларда “турк” атамаси телелар таркибидаги бир қабиланинг номи сифатида майдонга келган, VII асрдан бошлаб у теле қабилаларининг умумий номига айланди [1:17]. Бундан ташқари, рисолада хун, турк, ўғуз, қангли ва бошқа этнонимлар хусусида ҳам сўз юритилади. Тадқиқотчилар таҳлил қилган маълумотларидан келиб чиқиб “қангли” атамасини XIII асрдан бошлаб этнонимга айланган бўлиши керак деган хулосага келади [1:35], бироқ бу хулоса тадқиқотчиларнинг бир томонлама ёндошув асосидаги хулосаси ҳисобланади. Рисолада муаллифлар қадимги Хитой манбаларидан ташқари, Хитой ва Япония олимларининг асарларидан ҳам фойдаланган бўлиб, келтирилган маълумотларни ғарб мамлакатлари, рус олимлари асарларидаги фактларга солиштириб, баҳо бермайди. Бундай мақсадни келажакда тадқиқот ишларида амалга оширишини ёзади.

Хитойшунос олимнинг 2015 йилда “ФА-Ф1-Г028: Марказий Осиё этник тарихига оид шарқ тилларидаги қадимий ва ўрта аср манбаларидаги маълумотлар” номли фундаментал тадқиқот лойиҳаси асосида “Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар (Қадимий ҳамда илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар)”[2] номли асари ёзилди. Ушбу тадқиқот ишида милoddан аввалги VII-V асрлар оралигида битилган “Зуо

Чжуан” (“Зуо [Чюминг] баёни”), “Эршиси ши” (“24 тарих”) деб номланган сулолалар тарихи мажмуидан ўрин олган 8 та сулола тарихлари, VIII-XII асрлар оралиғида ёзилган 3 та йирик асарлардаги Марказий Осиё халқлари этник тарихига оид маълумотларнинг айрим қисмлари илк бор асл манбадан ўзбек тилига таржима қилинган. Бундан ташқари, асарнинг ёзилишида хитой ва уйғур тилларидаги тарихий адабиётлар, турли хитой луғатларидан ҳам кенг фойдаланилган. Асар икки қисдан иборат бўлиб, биринчи қисмида мил.авв. II-I минг йилликдаги илк турклар, III-V асрлардаги туркий қабилалар, турк (тужюэ) қабиласи, Кушон давлати асосчилари дай-рузие (да-юэчжи)лар, саклар, сутэ (суғд), Қадимги Фарғона аҳолиси, яйпан (юэпан)ларга оид таржималар қайд этилган бўлса, иккинчи қисми хитой манбаларидаги квей-фанг (гуй-фанг), кианг (чянг), тией (ди) ва ривем (рунг) этнонимлари, хунларнинг келиб чиқишига оид янги қарашлар, уйғур этноними, хитой манбаларидаги “тужюэ” этноними, суғд ва хитой атамаларига доир тадқиқотлар ўрин олган. Олим “ўзбек халқи этнология масалаларини, жумладан, этногенез ва шаклланиш жараёнини ўрганишда қадимги хитой манбаларининг аҳамияти жуда каттадир” [3:99] – деб таъкидлайди. А. Хўжаевнинг қадимги хитой манбалари устида олиб борган тадқиқотлари[4] ўзбек халқи этногенези масаласи доир бир қатор муаммоларга аниқлик киритди. Хитой манбаларида айрим қадимги туркий этнонимлар этимологияси, этник келиб чиқиши ва қабилавий таркиби, жойлашуви, миграцияси, этнонимлар билан боғлиқ баъзи баҳсли масалалар, туркий қабилалар оид янги маълумотларни тадим этди. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихининг манбавий асосини бойитишда ҳамда қатор номаълум бўлган масалаларни ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эга бўлди. Муаллиф муаммога оид асарларни ёзишда, хитой тилидаги манбалар, уйғур, ўзбек, рус тилида чоп этилган манбалар ва асосан ўзбек, хитой, рус тилидаги адабиётлардан кенг фойдаланилган. Қадимги хитой манбалари устида олиб борилган ғарб ва япон олимлари тадқиқотлари кам жалб этилган. Майкл Лёвенинг таҳрири остида нашр этилган “Early Chinese texts: a bibliographical guide”[5] библиографик қўлланмасидан ҳам билишимиз мумкинки, 1993 йилгача бўлган даврда қадимги хитой манбалари устида ғарбий ва мамлакатларда катта ҳажмдаги илмий тадқиқотлар олиб борилган. Албатта, ўзбек халқи этногенези муаммосини тадқиқ этишда қадимги хитой манбаларининг ўрни муҳим саналади. Бироқ масаланинг ёритилишида қадимги хитой манбаларининг матн тарихи, унинг муҳим нашрлари ва босмалари, япон нашрлари ва ғарб тилларидаги таржималарни, улар тадқиқотининг асосий

ёндошувлари билан ўрганиш, муаммога оид мавжуд қарашларни ўзгартириб, холис ҳулосани шакллантиради.

Хитойшунос олим Аблат Хўжаевнинг қадимги хитой манбалари устида олиб борган тадқиқотлари, ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, этногенез, этник тарих, этноним масалаларига кўплаб янги маълумотлар олиб кирди. Туркий уруғлар, уларнинг номлари, қадимги даврлардаги ҳудудий жойлашуви каби мавзулар ёритилди. XX асрда қадимги хитой манбаларини тадқиқ этган рус тадқиқотчилари маълумотларига аниқлик киритилиб, камчиликлари кўрсатилди. Бугунги кунда олимнинг илмий асарлари ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи доирасида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Т.: “Маънавият”, 2001. – 40 б.
2. Хўжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар (Қадимий ҳамда илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар). – Т.: “Навруз”, 2015. – 332 б.
3. Хўжаев А. Ўзбек халқи этник тарихини ўрганишда қадимги хитой манбаларининг аҳамияти // Ўзбекистон тарихи. № 3, Тошкент, 2020. – Б. 80-101.
4. Хўжаев А. Туролар // “Шарқшунослик” илмий тўплам. – Тошкент, 1995. № 6. – Б. 146-148., Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Т.: “Маънавият”, 2001. – 40 б., Хўжаев А. Ҳунларнинг этник жиҳатдан қадимий туркларга оид эканлиги ҳақидаги хитой манбаларидаги маълумотлар // Турон тарихи. № 5, Тошкент, 2002. – Б. 10-18., Хўжаев А. Қадимги хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар // Ўзбекистон тарихи. № 1, Тошкент, 2003. – Б. 3-11., Ходжаев А. Из истории древних тюрков. – Алматы, 2011. – 274 с., Хўжаев А. Фарғона хитой манбаларида (қадимий ва илк ўрта аср ёзма ёдгорликларидан таржималар). – Тошкент, 2013. – 186 б., Хўжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар (Қадимий ҳамда илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар). – Т.: “Навруз”, 2015. – 332 б., Хўжаев А. Қўлдашев Ш., Айтбаев А., Джуманиязова Ф. Марказий Осиё тарихи Хитой манбаларида. – Тошкент, 2016. – 432 б., Ходжаев А. Сведения древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. – Т.: “Навруз”, 2017. – 360 с., Ходжаев

А., Каримова Н. Сведения китайских источников по истории государственности Центральной Азии. – Т.: “Фан”, 2018. – 182 с., Ходжаев А. Қўлдашев Ш., Джуманиязова Ф. Марказий Осиё давлатчилиқ тарихига оид маълумотлар. – Т.: “Фан”, 2018. –185 б., Хўжаев А. Ўзбек халқи этник тарихини ўрганишда қадимги хитой манбаларининг аҳамияти // Ўзбекистон тарихи. № 3, Тошкент, 2020. – Б. 80-101.

5. Early Chinese Texts: A Bibliographical Guide. Edited by Michael Loewe. Early China Special Monograph Series No. 2. Berkeley: The Society for the Study of Early China and The Institute of East Asian Studies, University of California, 1993. 546 pp.

6. Mirzakhmedova, H. V., Omonov, K. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). METHODS OF IMPROVING LANGUAGE SKILLS USING MEDIA SOFTWARE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(03), 47-55.

7. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.

8. AMANOV, K. (2015). THE MATTER OF DIVIDING AGES IN HISTORY OF TURKIC OFFICIAL METHOD. *Turkish Studies (Elektronik)*, 10(12), 57-68.

9. Насирова, С. А. (2019). Языковая политика в Китае: идентификация общественно-политической терминологии. In *Китайская лингвистика и синология* (pp. 384-387).

10. Mirzaxmedova, H. (2020). TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN. *Philology Matters*, 2020(1), 137-145.

11. Хашимова, С. (2020). НЕКОТОРЫЕ ГРАММАТИЧЕСКИЕ И СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УДВОЕНИЯ В ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ. In *Страны. Языки. Культура* (pp. 334-338).

12. Nadira, K. (2017). The problem in translation from Japanese to Uzbek in the novel "A Wild Sheep Chase"-Focusing on Politeness. *Literary Imagination*, 19(3), 760-771.